

Ishonch

2019 йил 17 октябрь • пайшанба • № 127 (4256)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЧОРВАЧИЛИК ВА БОҒДОРЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни чорвачилик ва боғдорчилик тармоқларини ривожлантириш бўйича ўсвор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожда ушбу тармоқларнинг муҳим эканлиги инobatта олиниб, кейинги икки йилда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбек-чорванасл», Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари ташкил этилди.

Йиғилишда чорвачилик тармоғида ба- жарилган ишлар ва келгусидаги режа- лар муҳокама этилди. 2019 йилда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доира- сида чорвачиликни ривожлантириш учун 1 триллион 603 миллиард сўм, парранда- чиликка 332 миллиард сўм имтиёзли кре- дитлар ажратилди. Натижада майда шохли чорва сони 550 минг бошга, парранда сони 6 миллион 130 мингга кўпайди.

Йиғилишда аҳолини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилинган ишлар етарли эмас, деб баҳо- ланди. Чорвачилик тармоғининг долзарб

муаммоси ҳисобланган узлуксиз озуқа-ем таъминотини йўлга қўйиш масаласи муҳо- кама этилди. Бугунги кунда чорвачиликда озуқага бўлган эҳтиёж фақатгина 30-35 фоизга қондирилади. Хусусан, парранда- чиликда озуқанинг 85 фоизи импорт ҳисо- бига таъминланади.

Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир, Қўнғирот, Кегейли ва Мўйноқ туманла- рида 1 миллион гектар пичанзор ва ййлов ерларида 182 минг бош чорва моллари боқишга мўлжалланган 486 лойиҳа ишлаб чиқилди.

Мутасаддиларга 2019-2021 йилларда 300-500 бош чорва боқишга мўлжалланган 270 бўрдоқчилик комплекси ва 260 сутчи- лик корхонасини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш топширилди.

Чорвачилик соҳасида маҳсулдорликка эришиш учун, аввало, наслчилик масала- ларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Йиғилишда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига хорижий тажриба

асосида наслчиликни ривожлантириш ва маҳсулот нархини пайсатириш учун хара- жатнинг бир қисмини субсидиялаш меха- низмини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Боғдорчилик соҳасига доир масалалар ҳам кун тартибига қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойида мева-сабзавот экспорти қарийб 1 миллиард АҚШ долларига етди. Бўш ерлар- дан унумли фойдаланиш, талаб юқори бўл- ган экин навларини етиштириш натижасида келгусида ушбу кўрсаткични янада ошириш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Президентимиз бу борада амалга оши- рилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмаслигини таъкидлади. Хусусан, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Тошкент туманла- рида мавжуд боғларнинг 912 гектари ёки 20 фоизи, тоқзорларнинг 164 гектари ёки 13 фоизи эски ва самарасизлиги аниқлан- ган. Бундан ташқари, фойдаланилмаётган 1400 гектар лалми, шунингдек, ғалла эки- лаётган 4040 гектар ерлар мавжуд. Ушбу туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотла- рини қайта ишловчи 19 корхона 50 фоиз қувватда ишламоқда.

Шу билан, мева-сабзавотга ихтисослаш- ган барча 55 туманда боғдорчилик соҳа-

сида мутлақо янги тизим жорий қилинади. Унга кўра, хориж бозорларида ўз товар белгисига эга бўлган экспортчилар ҳамда қайта ишлаш корхоналари иштирокида ушбу туманларда кооперациялар ташкил этилади. Ҳар бир туманда экинларни жой- лаштириш кооперациялар таклифи бўйи- ча амалга оширилади, улар боғ ва тоқзор- ларга кўчатларни етказиб бериш, ҳосил- дорликни ошириш юзасидан кўмаклашади. Шунингдек, боғдорчиликка ихтисослашган ҳар бир туманда агротехник тадбирларни тўғри амалга ошириш учун ўқув марказла- рини очиш вазифаси қўйилди.

Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига янги тизимни жорий этиш, кооперацияларни молиявий таъминлаш юзасидан аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифа- ларнинг пировард мақсади мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажминини йилга 5 миллиард долларга етказишдан иборат.

Муҳокама қилинган масалалар юзаси- дан мутасаддиларнинг ахбороти тинланди ва келгусида амалга оширилаётган ўсвор вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА



КУН НАФАСИ

2019 йил 15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси **Танзила Норбоевнинг** Америка Қўшма Штатлари фавқулодда ва мухтор элчиси **Даниэл Розенблюм билан учрашуви** бўлиб ўтди.

senat.uz

Парламент аъзоларидан иборат Ўзбекистон делегацияси Сербия пойтахти Белград шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентларо Иттифоқ ас- самблеясининг 141-сессияси ва мажлиси ишида иштирок этмоқда.

uz.uz

16 октябрь куни «Корея Республикаси – Мар- казий Осиё» 12-ҳамкорлик форумида ишти- рок этиш учун Қозоғистон пойтахтига келган **Абдулазиз Комилов** Корея Республикаси ташқи ишлар вазири **Кан Гён Ха** билан учрашди.

mfa.uz

Камолиддин Толипов Молия вазирлиги ҳу- зуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги директори лавозимига тайинланди.

kun.uz

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжали- гини механизациялаш муҳандислари институ- ти мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи маро- таба 2020 йил учун QSнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари университетлари рейтингига қайд этилди.

kun.uz

Германиянинг Оснабрук университети Исло- м теологияси институти профессор-ўқитувчилари ва бир гуруҳ талабалари Самарқанддаги **Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида** бў- либ, муассаса фаолияти билан яқиндан танишди. **Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази матбуот маркази**

uz.uz

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон – Британия таълим ҳафталиги» бошланди.

uz.uz

Фарғона шаҳридаги Тадбиркорлар марка- зида Ўзбекистон – Корея ишбилармон доирала- рининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Жану- бий Кореянинг Хвасон шаҳридаги йирик компа- ниялари вакиллари ва маҳаллий тадбиркорлар иштирок этди.

uz.uz

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ил- мий-тадқиқот институти томонидан энергия ва ресурстежамкор картошка қовловчи техника ишлаб чиқилди.

uz.uz

Навоий вилояти | Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан ЮНИСЕФ Халқаро болалар ташкилоти билан ҳамкор- ликда Ироқ давлати ҳудудида оғир шароитда яшаётган ўзбекистонлик 64 нафар бегуноҳ боланинг Ватанимизга қайтарилгани ниҳоятда хайрли иш бўлди.

Меҳрнинг чегараси, боланинг бегонаси бўлмайди

«Меҳр-2» инсонпарварлик амалиёти доирасида амалга оширилган бу тадбир она сифатида мени беҳад қувонтирди. Ахир, боланинг ёмони бўл- майди, бегонаси ҳам.

Халқимизда султон суягини хўрламас, деган ҳик- мат бор. Бундан бир неча ойлар олдин Суриядан ҳам йўлидан адашган юртдошларимизнинг бир қанчаси «Меҳр» аталмиш амалиёт самарасида Ва- танимизга қайтарилиб, меҳр-шафқат намунаси кўрсатилган эди.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оши- рилган шу икки амалиёт менинг дунёқарашимни, ҳаётга, Ватанга бўлган муҳаббатимни ўзгартириб, қалбимни жўшдириб юборди. Англаганим шу бўл- дики, Ватани бор халқ ҳеч қачон кўчада қолмайди.

Сир эмас, яқин-яқингача кўпгина хорижий мам- лакатларда сарсон-саргардон юрган, ўзини тақдир- нинг бешафқат ҳукмига ташлаб қўйган юртдош- ларимиз ангчагина эди. Не бахтки, эндиликда инсоннинг шаъни, қадр-қиммати мустаҳкам ҳи- моюга олинди. Хорижда иш излаб юрганлар, наф- сининг қулига айланиб, жабру-жафо гирдобига тушиб қолганлар юртимизга келтирилиб, уларга эркин ва озод яшашлари учун катта ва қулай им- кониятлар берилмоқда. Энди бундан уларнинг ўз- лари хулоса қилишлари лозим. Хатони тузатиш, те- гишли ва тўғри фикрга келиш ҳам марднинг иши. Йиқилганини суяш, адашганини йўлга солиш одам- ийликнинг белгисидир.

Бугун юртимизда замонавий мактаблар, олий ўқув юртлари, турли завод ва фабрикалар, мада- ний-маиший бинолар, маҳалла гузарлари, сайл- гоҳлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Шаҳар- ларимиз янада кўркамлашиб, қишлоқларимиз то- бора чирой очиб, обод гўшаларга айланмоқда. Булар нима учун, ким учун бунёд қилинмоқда? Ҳаммаси ўзимиз ва фарзандларимиз учун!

Мен англаган ҳақиқат эса шундай: меҳрга му- носиб яшаш ҳар бир кишининг қалб амрига айла- ниши керак.

Назира ТОҒАЕВА,

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Долзарб мавзу

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

Жамоатчилик комиссияси Яккасарой туманидаги мавжуд ҳолат билан танишди


Халқимиз куйидаги иборани бугунги кунлар учун атайин топиб айтгандек:

Ҳар бир ишнинг вақти бор, Вақтин билганга омад ёр.

Дарҳақиқат, қиш яқинлашмоқда. Олдинда қорли-қир- ровли кунлар турибди. Мавсумга тайёргарликни пухта қилган, бу ишларни ўз вақтида амалга оширган инсон ҳам, мутасаддилар ҳам синовли фаслни беҳавотир кутиб олиши мумкин. Лекин ҳамма жойда ҳам шундайми?

Жамоатчилик комиссияси, Тошкент шаҳар ҳоким- лиги ҳамда бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини кўздан ке- чириш, муаммоли масалаларни ҳал этиш учун туман- ларда ташкил этилаётган учрашуларда ана шу саволга жавоб изланиб, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда.

2▶



Икром ҲАСАНОВ олован сураёт


«Газета одамлар дардини айтса, халққа яқин бўлади»

Самарқанд шаҳрида «Ishonch» ва «Ishonch – Доверие» газета- лари ижодкорларининг муштарийлар билан учрашувида Бош муҳаррир Ҳусан Эрматов бу фикрни алоҳида қайд этди.



– Бугунги шиддаткор даврда ахборот олиш манбалари жуда кўпайиб кетди, – дейди Ҳ.Эрматов. – Интернет сайтлар ва ижтимоий тар- моқлар ахборот олиш ва тарқатиш учун қулай майдонга айланди. Шу билан бирга телевидение, радио ва газеталар ҳам бу вазифани йўқот-

2▶



Эврил ТУРОН

(Давоми. Бошланиши аввалги сонларда)

САОДАТЛИ ЭВРИЛИШ

...Хўжабобон отадан Қо- ратощ қишлоғи сари эняпмиз. Бошқаларни билмадим-у, мен ўзимни гўё осмондан тушаёт- гандай сезяпман. Холмат Ма- мат мендаги ўзгаришни сезди шекилли, ғурур билан деди: – Қоратощдан юқори – тоғ- нинг тўр-тўригача Пасткибай- рам, Нурак, Юқорибайрам қиш- лоқлари жойлашган. Мен булар- дан энг баландда, Қорахонсой бошланган ерда, Қорахон қи- шлоғида яшайман. – Қорахонийларга яраша-да, – мен Холмат Мамат қалбига тугён уруғини селдим. Холмат Маматнинг юз-кўз- лари ёнди. Мен бундан завқ-

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Олтин ўлка (эссе)

шавқ туйдим: Табиатан шундай- ман: бировни севинтира олсам, ўзим ҳам севиnamан. Рухим тетик, қалбим ёрқин ҳисларга тўла. Шунда муқаддас жойларни бот-бот зиёрат қи- либ туриш фойдалигини, бун- дан кўнгли яйрашини, юрак қув- ват олишини англадим. Ихтиёр- сиз бир тарзда дилкаш инсон, академик Бакир Зарифнинг гапи эсимга келди: «Саёҳат киши умрини безай- ди, узайтиради. Шу билан бир- га, ақли қайрайди. Янги манзара- лар янги фикрлар туғдиради. Мен саёҳатни севаман! Менимча, са- ёҳатни севаган киши бўлмаса лоқлари жойлашган. Мен булар- дан энг баландда, Қорахонсой бошланган ерда, Қорахон қи- шлоғида яшайман. – Қорахонийларга яраша-да, – мен Холмат Мамат қалбига тугён уруғини селдим. Холмат Маматнинг юз-кўз- лари ёнди. Мен бундан завқ-

инфратузилмасини яхшилаш учун 142 та отель, 462 та ёзилма қурилган. 234 та янги турсопера- тор иш бошлаган. Энг муҳими, 9 та давлат юртдошлари (фуқаро- лари) учун визасиз режим тат- биқ этилган. Бу йил эса (2019) 43 та мамлакат фуқаролари бундан манфаатдор бўлади. Юртимизда электрон виза ту- ризми ишга туширилган. Ва хо- риж ватандошларини рўйхатга олиш жараёни форматга ўтка- зилган. Бултур Ўзбекистонга 5 миллион сайёҳ келган. Бу 2017 йилга нисбатан 2 баравар кўп. Бу ҳақда мен Мавлон Умрзоқ (иқтисод фанлари доктори, про- фессор) билан учрашганимда, гапдан-гап чиқиб, унга айтдим. У буни «Саодатли ўзгаришнинг бошланиши» деди. Менимча ҳам шундоқ, Гарчи, биз ҳали ту- ризм соҳасида ривожланган давлатлар даражасига етмаган бўлсак ҳам.

3▶

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

Жамоатчилик комиссияси Яккасарой туманидаги мавжуд ҳолат билан танишди

Яккасарой туманида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда ҳудуддаги мавжуд ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, таълим муассасаларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Ишчи гуруҳ аниқлаган ҳолатлар, амалга оширилган ишлар ҳамда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар кўриб чиқилди.

Ҳудудда аксарият мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларидаги ҳолатнинг қониқарли даражада эмаслиги, мустақилликнинг сустқалиги сабабли ҳал этилмаётган масалаларни белгиланган муддатда бартараф этиш, бунинг учун барча куч ва имкониятни сафарбар этиш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриш, куз-қиш даври бўйича қабул қилинган дастурларни амалга оширишда туман ҳокимлиги, масъул идоралар ҳамкорлигида тайёргарлик ишларини назорат қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, иссиқлик, электр, газ ва сув таъминоти, умумий фойдаланиш жойларини, лифт ускуналари тартибга келтириш, ҳудудларда санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, хусусан, коммунал хизматлардаги камчиликларни ҳам-жиҳатликда бартараф этиш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Уй-жой фонди, коммунал хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа объектларини иситиш мавсумига тайёрлаш, куз-қиш мавсумида барқарор ишлашнинг таъминлаш, ҳудудларнинг санитария – тозалик ҳолатини яхшилаш бўйича тегишли вази-фа ва топшириқлар берилди.

Абззам АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»



Матбуот анжумани

Тўлов ва харидларни нақд пулдан кўра пластик карталар орқали амалга ошириш анча қулай экани ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга, пластик карталардан фирибгарлик йўли билан пул ўғирлаш ҳолатлари ҳам мавжудки, азият чеккан кишиларнинг қанчалик оғир кечинмаларга сабаб бўлишини яхши билишади. Ҳўш, бундан қандай ҳимояланиш мумкин? Банкларда бунга қарши қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Пластик картадаги пуллар ишончлими?

ёҳуд «Қишлоқ қурилиш банк» миқозларига қандай хизматларни таклиф этмоқда?

Бу каби саволларга АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан «Нақд пулсиз амалиётлар: янги технологиялар ва хизматлар» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида мутахассислардан жавоб олинди.

Банк миқозларнинг пуллари хавфсизлигини таъминлаш, киберхужумларнинг олдини олиш, ҳимоя тизимларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратади. Лекин баъзида миқоз эҳтиётсизлик қилиб, ўзига берилган махфий кодларнинг учинчи томонга ошқор бўлишига йўл қўйиши оқибатда ҳисобидagi маблағлардан ажраб қолиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Қайд этилишича, бугунги кунга қадар банк миқозларига «HUMO» тўлов тизимида ишлайдиган 27 миң донна пластик карта тақдим этилган ҳамда 8 миңдан ортиқ тўлов терминали тарқатилган. Қолаверса, банкнинг

Уз мўхбиримиз

«Газета одамлар дардини айтса, халққа яқин бўлади»

Мактабимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги муносабати билан Она тили ва адабиёт фани ойлиги доирасида бир қатор ишлар амалга ошириляпти.

Юкори синфларда очик намунавий дарслар ташкил этилди. Ҳудуддаги мавжуд ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, таълим муассасаларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Ишчи гуруҳ аниқлаган ҳолатлар, амалга оширилган ишлар ҳамда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар кўриб чиқилди.

Нилуфар РАҲМАТОВА, Чилонзор туманидаги 126-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Хар қандай шароитда ҳам босма оммавий ахборот воситалари ахборот тарқатиш, одамларда жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ижтимоий фикрни шакллантиришга хизмат қилаверади. Кўр-япмиз, бугун замонавий ахборот технологиялари жуда ривожланиб кетган давлатларда ҳам газеталар ўз ўрнини йўқотган эмас, замон шиддатида мос тарзда фаолият кўрсатиб, ўқувчиларига янги гап айтишга ҳаракат қилмоқда.

«Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон ахборот тарқатиш услублари давр талабидан келиб чиқиб ўзгармоқда. Чунки, газетада жамият ҳаёти акс этиши, одамларни ўй-лантираётган, ташвишга солаётган масалалар кўтариб чиқиши керак. Газета ана шу муаммолар ечимига хизмат қилса, халққа яқин бўлмоқда. Муштарийлар «Бугун газета қайси муҳим масалани кўтариб чиқар экан», деб наشرни кутмоқда. Юртимизда ҳам бугун оммавий ахборот воситаларига муносабат ўзгарган, тўғри сўзни айтиш, ҳаёт ҳақиқатини баён этиш учун журналистга ёки оммавий ахборот воситасига ҳеч қандай чеклов ёки тўсиқ қўйилмаган.

«Илгари газета таҳририятлари ўз ўқувчилари билан тез-тез учрашувлар ўтказарди ва бу икки томон учун ҳам фойдаланиш мумкин. Икки йилдан буён «Ishonch» ва «Ishonch – Доверие» газеталари бу анъанани давом эттиряётгани эътиборли. Мен қузатиб бораман, ўтган йил самарқандлик муштарийлар билан ўтказилган учрашувада айтилган таклифлар, мулоҳазалар кейинчалик газета фаолиятида ўз ифодасини топди. Бу газеталар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг нашрлари



ҳисобланса-да уларда фақат шу тармоқ эмас, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида янгилик ва ўзгаришлардаги аниқлик ва ўзгаришлардаги ёритилмоқда. Айниқса, танқидий-таҳлилий материаллар, республика аҳамиятига молик муҳим ташаббусларга кенг ўрин берилмоқда. Шу орқали газета ўқувчилари сафи кенгаймоқда, газетани сўровчилар кўпаймоқда.

Самимий мулоқот давомида «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари Бош муҳаррири Ф.Тошев, Самарқанд давлат университети профессори Ф.Набиев, Самарқанд вилояти касабасига уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси С.Рафиқов ва бошқалар ҳам бугунги кунда газета ва газетонлик, обунасалалари юзасидан ўз фикрларини билдирди. Айни пайтда газеталарнинг ўз вақтида ўқувчиларга етиб бормайётгани ҳам обунани салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Бу йилда газета ва журналларни етказиб бериш билан шуғулланаётган айрим тадбиркорлик субъект-

ларининг фаолиятига тегишли тартибда ҳуқуқий баҳо бериш зарурлиги таъкидланди. Учрашува катнашчилари сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг яқинда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайти (uza.uz) ва «Ishonch» газетасида чоп этилган «Илк ва сўнгги сўзи-миз: Ватан» сарлавҳали материали ҳақида ҳам ўз фикрларини билдириб, нашрларимизда ана шундай таҳлилий материалларнинг чоп этилиши, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқимиз ва жаҳон афкор оммасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беришини таъкидлади.

Тадбир давомида муштарийларга газеталар ижодкорлари томонидан тайёрланган «Бир йилга бир назар» китоби ва «Ishonch» газетасининг Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан чоп этилган махсус сони соғва қилинди.

Ғолиб ҲАसानов, ЎЗА

Касаба уюшмаси аралашгач...

Марғилон хизмат кўратиш ва сервис касб-ҳунар коллежини собиқ ходими Равшан Ботировдан Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ариза тушди. У аризада иш жойидан иш ҳақи ва меҳнат дафтрасини ололмаётганлиги ва бу борада амалий ёрдам беришни сўраган.

Адолат қарор топди

Аризачи 2018 йилнинг сентябрь ойидан 2019 йилнинг июль ойи қадар Марғилон хизмат кўратиш ва сервис касб-ҳунар коллежиди уста вазифасида ишлаб келган. Гап шундаки, иш берувчининг жорий йил 27 июлдаги буйруғига асосан Р.Ботиров билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 97-моддасига кўра бекор қилинди. Лекин ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳамда меҳнат дафтрасини олиб кетиш ҳақида хабардор қилинмаган.

Орзигул ҚОЗИХОНОВА, Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

2018 йил 12 декабрда Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қўйидаги мазмунда ариза келиб тушди: «2018 йил март ойида мени «Хоразм Агро Текс» МЧЖ раҳбарлигидан озод қилишди. Лекин мен бу даврда вилоят саломатлигини тиклаш шифохонасида даволанаётган эдим».

Фуқаро Баҳодир Абдиқодировнинг ушбу муурожаати асосида «Хоразмдонмахсуслотлари» АЖга тақдимнома киритилди. Аммо, АЖ раҳбарлари бу тақдимномани тан олинми истамади. Ҳатто унга жавоб беришни лозим топилмади. Шундан сўнг Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси 2019 йил 11 январда фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманларо судига даъво ариза киритди. Даъвода фуқаро аризаси бўйича ўрганишлар натижалари кўрсатилди.

Б.Абдиқодиров «Хоразмдонмахсуслотлари» АЖ маъмуриятининг 2017 йил 18 декабрдаги 250-сонли буйруғига асосан «Хоразм Агро Текс» МЧЖ бошқарувчиси лавозимига ишга қабул қилинган ва иш берувчининг 2018 йил 26 мартдаги 1-сонли буйруғига асосан Б.Абдиқодиров билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Б.Абдиқодиров билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг қайси моддасига асосланганини кўрсатилмаган. Бу билан Меҳнат кодекси ва амалдаги меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ меъерий ҳуж-

Ходим ишга тикланди

аммо бунинг учун бир ярим йил вақт керак бўлди

жатлар талаблари бузилишига йўл қўйилган. Шу билан бирга, Меҳнат кодексининг 108-моддаси талаблари ҳам бузилганлиги аниқланди. Иш берувчи Б. Абдиқодировни буйруқ билан таништирмаган. Меҳнат дафтраси берилмаган ёки меҳнат дафтрасини олиб кетиш ҳақида хабарнома юборилмаган. Қолаверса, «Хоразмдонмахсуслотлари» АЖга қарашли «Хоразм Агро Текс» МЧЖ таъсисчиларининг 2018 йил 26 март кунги йиғилишида фуқаро Б. Абдиқодиров қатнашмаган. Чунки у бу пайтда Хоразм вилоят саломатлигини тиклаш шифохонасида стационар шароитда даволанаётган бўлган. Буни шифокорнинг 2018 йил 11 апрелдаги меҳнатга леақтсизлик варақаси тасдиқлади. Бирлашма ана шу сабаблар билан суддан Б. Абдиқодиров билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 1-сонли буйруқни бекор қилиб, илгариги лавозимига ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақларини тўлаш ва маънавий зарар ундириб беришни сўради. Ушбу даъво ариза 2019 йил 11 март кунги фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманларо суди судьяси Ж.Матиязов раислигида очик суд мажлисида кўриб чиқилди.

Суд мажлисида жавобгар «Хоразмдонмахсуслотлари» АЖ вакили С. Мадаминов даъвогарнинг даъвосини тан олмасдан, «Хоразмдонмахсуслотлари» АЖнинг собиқ бошқарув раиси К.Абдуллаев Б.Абдиқодировни ҳеч қандай бошқарув йиғилиши ўтказмасдан, меҳнат шартномаси тузмасдан ноқонуний равишда ишга қабул қилганлигини, Б.Абдиқодиров меҳнат дафтрасини корхонага тақдим қилмаганлигини ва АЖ ходими саналмаслигини билдирган.

Суд тарафларнинг тушунтириш ва музокаларини эшитиб, вилоят касба уюшма ташкилотларининг даъво аризасини қаноатлантирди. Бу ҳақдаги ҳал қилив қарориди Б.Абдиқодировни 2018 йил 26 мартдан ишга тиклаш, унга мажбурий прогул қуллари учун жавобгар «Хоразмдонмахсуслотлари» АЖдан 14 863 329 000 сўм ҳақи, маънавий зарар учун 1 300 000 сўм ундириш зарар белгиланди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят бошқармаси суднинг ҳал қилив қароридан норози бўлиб, касасия тартибда шикоят аризаси келтирди. Шу асосда фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманларо судининг 2019 йил 20 июндаги ажримига биноан касасия шикоят аризасини кўриб ақунлангунга қадар суднинг 2019 йил 11 мартдаги ҳал қилув қарорини ижроси тўхтатилди. Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманларо судининг 2019 йил 28 июндаги ажрми билан Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят бошқармаси томонидан келтирилган касасия шикоят аризаси ҳаракатсиз қолдирилган ва шикоят аризаси қайтарилган. Шунга қўра, 2019 йил 23 июлда фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманларо суди 2019 йил 11 март кунги ҳал қилув қарори ижро қаратларини тиклаш юзасидан ажрим қабул қилди.

Музаффар АТАБАЕВ, Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан – она тилим!



Тил – моддий, маънавий меросни сақлаш ва бойитишнинг энг кучли воситаси. ЮНЕСКО ҳисоб-китобига кўра, мавжуд 7 мингга яқин тилнинг ярми XXI асрда ўзининг охириги соҳибидан ажралиши мумкин. Баъзи фаразларга кўра, аср охирига келиб мавжуд тилларнинг 95 фоизи ўлик тилга айланади. Ҳар ойда дунё миқёсида иккитадан тил ўлаётганлиги эса даҳшатли ҳодиса!

Давлат тили ҳақидаги Қонунни қайта кўриб чиқиш зарур

мақомига юридик тус берди, унинг қўлланилиши ўрни ва унга муносабат қонуний асосга эга бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда Қонун моддаларининг ҳаётга татбиқи кўзга ташланмайдиган бирор-бир соҳа йўқ. Аммо адабий тил меъёрларига амал қилмаслик, «кашфиёт»лар қилиши (масалан, қонун ҳужжатларида қўлланганидан тегинишча сўзи ўзбек адабий тилида мавжуд эмас), адабий тил бирликларини нотўғри ёки ноўрин қўллаш (масалан, ўзгартириш сўзи ўрнига ўзгартиш сўзини ишлатиш каби) билан боғлиқ ҳолатлардан кўз юмиб бўлмайди. Албатта, бунга сабаб бўлувчи объектив ва субъектив омиллар бор. Баъзи кишиларда давлат тилига эътиборнинг сустлиги, бефарқлик ва лоқайдлик, тил маданиятининг пастлиги, адабий тил бўйича саводхонликнинг ётарли эмаслиги кабиларни субъектив омиллар сифатида кўрсатиш мумкин. Лекин муаммо объектив омиллардан ҳам холи эмас.

Маълумки, ўзбек тили ҳам, бошқа тиллар каби ранг-баранг нутқ турларидан иборат: шевавий нутқ, арготик нутқ, жаргоник нутқ, адабий нутқ, вульгар нутқ, варвар нутқ ва ҳоказо. Бизнинг хоҳиш-иродамиздан қатъи назар ўзбек тили уларнинг барчасини ўз ичига олади. Давлат тили сифатидаги ўзбек тили эса унинг адабий кўриниши демакдир. Яъни давлат тили адабий нутққа, адабий тил меъёр ва қоидаларига асосланади. Бу «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 7-моддаси билан мустаҳкамланган: Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади.

Адабий нутқ оғзаки ва ёзма кўринишларга эга. Демак, расмий доираларда адабий тилнинг ҳар икки шакли ҳам белгиланган илмий меъёрлар асосида бўлиши лозим. Ёзма нутқ меъёрлари «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»да кўрсатиб берилган ва қонун йўли билан мустаҳкамланган. Аммо бу фикрни оғзаки нутққа нисбатан қўллаб бўлмайди. Ўзбек тилининг асосий талаффуз қоидалари юридик мақомга эга эмас.

Шу билан биргаликда, мазкур моддадаги айрим ўринлар изоҳталаб, уларни тегишли қонун ҳужжатларида оидинлаштириш керак бўлади. Айрим мисоллар келтирамиз.

Расмий амал қиладиган доира. Бундаги расмий доира тушунчаси кенг қамровли ва умумий. Масалан, қонун моддаларида лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнларининг давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши (20-модда), корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги

ёрлиқлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминлиниши (21-модда), республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилиши (22-модда) алоҳида таъкидланган. Лекин ушбу моддалар объекти амалиёти билан боғлиқ муҳитни расмий доира дейиш мумкинми? Савдо-сотиқ, оқватланиш, хизмат кўрсатиш соҳалари расмий доира сифатида қаралиши керакми? Ҳаммага маълумки, харидорлар ва мижозлар билан иш қўриладиган соҳаларда қайси тилда ёзиш кўпроқ фойда келтирсин, лавҳалар ўша тилда ёзилади: Boutique, Yahoo, Денежные переводы, Европейская кухня каби.

Демак, расмий доира тушунчасини тегишли қонуний ҳужжатларда оидинлаштириш керак бўлади. Бунда «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 3-моддасида баён этилган «Ушбу Қонун тилларнинг турмушда, шахслараро муомала ҳамда диний ва ибодат билан боғлиқ удувларни адо этишда қўлланилини тартибга солмайди» деган фикр таянч бўлиб хизмат қилади. Бу эса давлат тилига асос қилиб олинган адабий тил нормаларига қатъий риоя қилиш қамровини муайянлаштиради. Шу модданинг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади, дейилган қисмидаги «риоя этилади» кесимидан англашилган ҳукм ҳам аниқ эмас. Уни турлича тушуниш мумкин: «риоя этиш керак», «риоя этиш лозим», «риоя этиш зарур», «риоя этиш шарт», «қатъий риоя этилади» ва ҳоказо. Чунки феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли умумзамон шакли, умуммайил кўрсаткичидир. Агар ушбу ноаниқлик бартараф этилмаса, матндан барибир амалдаги илмий қоида ва нормаларига риоя этса ҳам бўлади, риоя этмаса ҳам бўлади, деган фикр уқилаверади. Бу оидинлаштириш унга риоя этиш-этмасликнинг оқибатини белгилайди – риоя этмаса, нима бўлади, деган саволга жавоб тайинланади.

Ҳар бир даврнинг ўз талаб ва ўлчовлари бор. Ўттиз йил олдинги лисоний ҳолат бутунгисидан анча фарқ қилади. Миллатимиз ва халқимиз тафаккури ва менталитети анча ўсди. Бу эса қонуннинг илмий асосларини янада кучайтириш, уни давр талаблари даражасида қайта кўриб чиқиш вазифаларини ҳам олдимизга қўймоқда. Президентимиз қарори асосида бу жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш, тўпланиб қолган муаммоларни илмий асосларда ечиш пайти келди.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Мўштарий илҳом

«ISHONCH» ГАЗЕТАСИГА

Пешонадан тер тома-тома,
Пайдо бўлар китоб, рўзнома.
Унинг ҳар бир сўзи, бағридан
Ҳикмат топар муштарий, омма.

Катта ишонч билан айтамыз, дўстлар
«Ishonch» бизга ишонч, қувонч бағишлар.
Довдиратиб қўймас уни ҳеч қачон
Гулдурос қарсақлар, мақтов, олқишлар.

«Ishonch» шундай газета эрур,
Ҳаёт, меҳнат, жамият унда.
Касаба жабҳаси, янги гап зуҳр,
Уни ўқимоқни қилмайлик канда!

«Ishonch» жамиятнинг кўз-у қулоғи,
Янгилик, хабарлар қайнар булоғи.
Истақ шу: ҳеч кимга бериб қўймасин
Кўпқарида қўлга кирган улоғин.

Тошпўлат ЎРХУН
Самарқанд шаҳри
16 октябрь, 2019 йил

М.БОЛТАЕВ,
Самарқанд давлат
университети
доценти

Ўзбекистон Республикаси
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН
МУЛЖАЛЛАНГАН КҮЙИДАГИ
ЯНГИ ДЕПОЗИТ
СЕРТИФИКАТЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ

ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАР

Халқ банкининг депозит сертификати – банкка қўйилган депозит суммасини ва юридик шахснинг (сертификат сақловчининг) депозит суммасини ҳамда шартлашилган фойзаларни банкдан ёки банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи нозимиссиявий қимматли қоғоздир.

Депозит Сертификатлар қуйидаги шартлар асосида муомалага чиқарилган:

Сертификатларнинг номинал қиймати (сўм)

- 50 000 000 (эллик миллион)
- 100 000 000 (бир юз миллион)
- 500 000 000 (беш юз миллион)
- 1 000 000 000 (бир миллиард)

Муомала муддати ва йиллик устама фойз миқдори	181 кундан 365 кунгача	17,0 (қайта моциялаштириш ставкаси + 1,0) %
	366 кундан 730 кунгача	18,0 (қайта моциялаштириш ставкаси + 2,0) %
	731 кундан 1095 кунгача	19,0 (қайта моциялаштириш ставкаси + 3,0) %

Депозит сертификатларини Халқ банкининг барча филиаллари орқали сотиб олиш мумкин.

Депозит сертификатлар бўйича фойзалар ҳар ойинга охирига санасида ва депозит сертификатини қайтариш санасида тўлаб берилади.

Жалб қилинган маблағларни қайтарилиши ва улара ҳисобланган фойз тўловларини ўз вақтида амалга оширилиши кафолатланади.

335
дона
Сертификатлар сони

100
млрд.сўм
Чиқарилган ҳажми

(+998 78) 120 17 86, (+998 78) 120 17 87 (+998 78) 120 17 87 www.xb.uz

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Фориш туман кенгаши раиси

Эргаш ТАНГИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Агроекономика мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Бахмал тумани ҳокими Муса Анарбаевага укаси

Эшбой Тўраевнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби жамоаси ва касаба уюшма кўмитаси олий мактабнинг Хореография кафедраси ўқитувчиси

Қаламқас ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:

О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг ошанба, пайшанба ва шанба кунлари чиққди.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоли қўйилган нарҳда.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаназаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусоҳиҳ:
С. Шодиёва

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎЗА яқини – 22:00
Топширилди – 23:40

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буқортма Г – 1017.
27692 нусхада босилди.
Нашр «ўрсаткичи»: 133

1 2 3 4 5